



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 93 (12.154)

Баҳоси эркин нарҳда

«Ўзбекенгилсаноат»
давлат акциядорлик
компанияси 2012 йилнинг
биринчи чорагида умумий
қиймати 18 миллион АҚШ
долларидан зиёд олтита
инвестиция лойиҳасини
ниҳоясига етказди.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Қарор ва ижро

ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ ЮКСАЛМОҚДА

Бозор иқтисодиёти шароитида ялпи ички маҳсулотнинг самарали ўсишига бир неча муҳим омиллар таъсир кўрсатади. Улар орасида истеъмол талаби кенгайиши муносабати билан инвестиция фаоллигини ошириш муҳим ўрин тутди. Бошқача айтганда, инвестициялар барқарор иқтисодий юксалиш кафолати, уни изчил ривожлантиришнинг муҳим омилли бўлиб хизмат қилади.

Шу боис иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизация қилиш, бозор ислохотларини чуқурлаштириш йўлини танлаган мамлакатимизда хорижий сармоядорлар учун қўлай инвестицион муҳит, кенг қўламли ҳуқуқий кафолатлар ва имтиёзлар яратилган, хориж капитални иштирокдаги корхоналар фаолиятини рағбатлантириш бўйича яхлит тизим ишлаб чиқилган.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2010 йил 15 декабрда қабул қилинган ва мамлакатимиз саноатини барқарор, жадал ҳамда мувозанатли ривожлантиришга қаратилган «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги ва 2011 йил 27 декабрда имзоланган Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги Инвестиция дастурига оид қарорларида мамлакатимизда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш борасидаги ишларни изчил давом эттириш вазифалари белгиланган.

«Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси ушбу жараённинг фаол иштирокчиларидан биридир. Негаки, мамлакатимиз энгил саноати нафақат минтақавий, балки халқаро

миқёсда ҳам етакчи ўрин эгаллайди. 2011 йил якунлари бўйича саноатда ушбу тармоқ улуши 26 фоиз, истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда 44 фоиздан зиёд бўлди.

«Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компаниясида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга доир амалга оширилаётган инвестиция сиёсати эътиборга моликдир. Чунки тармоққа киритилаётган инвестициялар ҳамми йилдан-йилга барқарор ошиб бормоқда.

Тошкент, Сирдарё, Самарқанд, Бухоро, Андижон вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида янги ишлаб чиқаришлар ҳамда янги технологик линияларни ташкил этиш ҳисобидан маъжудларини кенгайтиришга қаратилган олтита инвестиция лойиҳасининг амалга оширилгани бунга ёрқин мисол бўла олади. Мазкур объектларда бугунги кунда 7 минг тонна ип, 2,7 минг тонна трикотаж полотно, 0,6 миллион тиквучилик-трикотаж буюмлари, шунингдек, 7,5 миллион квадрат метр ип газлама ишлаб чиқарилаётди.

(Давоми 2-бетда)

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги «Наврўз» маҳалласида янги футбол майдони қурилди. Мазкур майдон зарур анжомлар ва инвентарлар билан жиҳозланган бир қанча спорт майдонлари ва болалар соғломлаштириш иншоотларини ўз ичига олган спорт мажмуига киради.

Ёш авлодни баркамол этиб вояга етказишда уларни спорт ва жисмоний тарбия билан шуғулланишга жалб этиш муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 22 декабрда қабул қилинган «Болалар майдончаларини тиклаш ва ташкил этишнинг 2011-2015 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида мамлакатимизда зарур спорт ускуналари билан жиҳозланган замонавий спорт мажмуалари барпо этилмоқда.

Янги спорт-соғломлаштириш мажмуалари қурилишига хусусий бизнес ва тадбиркорлик субъектлари жалб этилмоқда. «Bethil – tich trans» масъулияти чекланган жамияти шундай субъектлардан бири бўлиб, унинг маблағлари ҳисобидан бир неча спорт майдончалари қурилиб, зарур спорт инвентарлари билан жиҳозланди.

– Маҳалламизда 7800 аҳоли истиқомат қилади, – дейди «Наврўз» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Аҳад Раҳматов. – Уларнинг 3,5 минг нафарини ўн олти ёшгача

БОЛАЛАР УЧУН ЯНГИ СПОРТ МАЖМУАСИ

бўлган болалар ташкил этади. Ушбу спорт мажмуаси маҳалламиз аҳли учун ҳақиқий совға бўлди. Шуниси қувонарлики, йўл ёқасидаги паст-баланд жойлар энди дам олиш ва спорт билан шуғулланиш майдонларига айланмоқда. Бу ерда спорт объектлари қурилиши билан бир қаторда худудлар ҳам ободонлаштирилмоқда.

Бу ерда дарахтлар ҳам экиш мўлжалланмоқда. Улар спорт иншоотларининг ташқи кўринишини бе-

«СИЗ ЎЗБЕКИСТОННИ БИЛАСИЗМИ?»

Яқинда Сеулда Корея Республикасининг Ўзбекистондаги элчиси Чон Дэ Ваннинг шу номдаги китоби чоп этилди. Мамлакатимизнинг хорижлик дипломат нигоҳидаги тавсифи бўлмиш мазкур китоб мўъжаз эсселардан иборат бўлиб, улар, муаллифнинг фикрича, Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг турли қирраларини ҳамда ўлкамизнинг тарихий ва миллий хусусиятларини очиб берадиган ягона манзарани ҳосил қилади.

Асар муаллифнинг Ўзбекистонга келган илк кунларидан бошлаб олган таассуротлари, чор атрофидаги ҳаётнинг кечмишлари ҳамда барча кўрган-билганлари хусусида китоб ёзишга қарор қилгани тўғрисидаги ҳикоядан бошланади.

Мамлакатимиздаги иқтисодий вазият, унинг келгусидаги тараққиёти истикболлари ҳамда саноатнинг турли соҳаларидаги икки томонлама ҳамкорлик муносабатларига китобда алоҳида эътибор қаратилган. «Ўзбекистонда Жанубий Корея корхоналарининг илгари сурилишидан кутилаётган натижалар», «Ўзбекистондаги иқтисодий тамойиллар», «Ўзбекистондаги сармомвий муҳит», «Ўзбекистон саноати», «Автомобиль саноати», «Савдо жабҳаси» сингари қатор боблар айнан мазкур мавзуларни қамраб олган. Уларда муаллиф Жанубий корейлик ишбилармонлар учун юртимиз жозибадорлигини таъминлайдиган омиллар — Ўзбекистон ва Корея Республикаси халқлари менталитетидаги муштаракликлар, бир-бирини тўлдирувчи ўзаро манфаатли ҳамкорлик истикболлари, мамлакатимизнинг бой табиий ресурслари, шунинг-

дек, Ўзбекистон замида икки давлат ўртасида кўприк сифатида хизмат қилувчи кўп сонли этник корейлар диаспорасининг мавжудлиги ҳақида атрофлича фикр юритади.

Чон Дэ Ван ўз фикр-мулоҳазаларини юртимизнинг асосий иқтисодий кўрсаткичларидан иборат статистика маълумотлари билан мустаҳкамлаб боргани, айниқса, эътиборга молик. У саноатимизнинг етакчи соҳаларидан бири саналмиш автомобил-созликка тўхталар экан, Ўзбекистонда мазкур тармоқнинг шаклланиш жараёни ва ҳозирги вақтда унинг максимал даражадаги маҳаллийлаштириш босқичига кўтарилгани хусусида ҳикоя қилади.

Шунингдек, ушбу асардан Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасидаги энг йирик қўша лойиҳалар — табиий газни биргаликда қазиб олиш ва Орол денгизи ҳавзасида газ-кимё мажмуасини бунёд этишни кўзда тутувчи Сурғил лойиҳаси, эркин индустриал-иқтисодий зона ҳамда Навоий шаҳрида халқаро логистика хабини яратиш бўйича ишлар олиб борилаётган Навоий лойиҳаси сингари кўплаб фойдали маълумотлар ҳам ўрин олган.

(Давоми 2-бетда)

забгина қолмай, мазкур ишларнинг мантикий давоми ҳам бўлади. Минтақамизда ёзнинг жазирама кунлари спорт билан шуғулланиш учун катта қийинчиликлар туғилади. Шу боис, меъморий ечимга кўра, ҳар бир спорт объекти атрофи кўкаламзорлаштирилади ва бу ерларда кичик-кичик истироҳат боғлари ташкил этилади.

Энди бу ерда болалар ота-оналари билан биргаликда спорт билан шуғулланиши, турли ўйинлар ўйнаши ёки бўш вақтини мазмунли ўтказиши мумкин. Гарчи, бу ерда ҳали ободонлаштириш ишлари давом этаётган, майса, дарахт ва буталар экиш учун жойлар тайёрланаётган бўлса-да, янги футбол майдони ҳар доим болалар билан гавжум.

– Ушбу спорт мажмуасида яна бир футбол майдони бор, – дейди шу ерда истиқомат қилувчи Дилшод Қобулжонов. – Бироқ кечки пайт ушбу майдондан, ҳар бир дақиқани ҳисобга олган ҳолда, қатъий ҳақда асосида фойдаланиш йўлга қўйилган. Бу ерда футбол бўйича болалар секцияси машғулотлари мунтазам ўтказилади. Аммо, энди икки ўғлим ва уларнинг дўстлари билан бирга ушбу янги майдонга хоҳлаган пайтда футбол ўйнаш учун келишимиз мумкин.

Роман БОНДАРЧУК,
ЎЗА мухбири



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Кеча Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида «Ахборот хизматлари фаолиятини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари» мавзусида тақдимот маросими ўтказилди. Унда банк тизимининг оммавий ахборот воситалари ва жамоатчилик билан алоқалар хизмати раҳбарлари, республикамиздаги барча тижорат банклари мутасаддилари иштирок этди.

● Самарқанд шаҳридаги вилоят перинатал марказининг реконструкция қилинган янги биноси фойдаланишга топширилди.

● «Бухоро» халқаро аэропорти Халқаро фуқаро авиациясининг «Аэропорт» асоциацияси томонидан 100 минг нафардан зиёд йўловчига хизмат кўрсатадиган авиакорхоналар орасида 2011 йилнинг энг яхши аэропорти деб топилди ва махсус кубок билан тақдирланадиган бўлди.

● Олмалик кончилиқ касб-хунар коллежида ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида аънавий тарзда ўтказиб келинаётган «Сиз қонунни биласизми?» республика кўрик-танловининг Тошкент вилояти босқичи бўлиб ўтди.

● Навбахор туманидаги «Оқ олтин Шоҳсувор» хусусий корхонасида банкнинг 125 миллион сўмлик молиявий қўмағи билан кенг қўламли модернизация тадбирлари амалга оширилди. Бу ерда ички бозорда янгилик ҳисобланган — алюминий иситиш батареяларини тайёрлаш ўзлаштирилди.

● Жиззах вилоятида касб-хунар коллежи ўқувчилари ўртасида аънавий тарзда ўтказиб келинаётган «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақаларининг республика босқичи бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

● Ҳиндистон нефть вазирилик маҳаллий Reliance industries энерго холдинги ва унинг шериги — Буюк Британиянинг «Бритиш петролеум» нефть-газ компаниясини 1,46 миллиард долларлик жаримага тортиди. Бунга мамлакатнинг шарқий қисмида жойлашган йирик газ қонида газни қазиб олиш бўйича таълим-мажмуасидаги сабаб бўлган.

● Таиландлик олимлар шакарни кўп истеъмол қилиш нафақат қандли диабет касаллигини келтириб чиқаришини, балки юзда ажинларнинг кўпайишига сабаб бўлишини аниқладилар. Улар имкони борича камроқ ширинлик ёки шакар истеъмол қилишни тавсия этмоқда. Маълумотларга қараганда, ҳатто эрталабки нонуштада ичилган бир пиёла ширин чой ёки қахва ҳам терига кучли зиён етказиши, ажинлар сонини кўпайтиради.

● Археологлар Япониянинг Хонсю шаҳри жанубида қадимий сарой қолдиқларини топдилар. Хабарларга қараганда, миллоддан аввалги III асрга оид мазкур саройнинг биргина кириш қисми 238 квадрат метрга тенг бўлган. Лойиҳа раҳбари Хиронобу Исинининг сўзларига кўра, ушбу сирли сарой қиролича Химиога тегишли бўлган. У бошқарган давлат — Яматай ўша пайтда катта довруғ қозongan.

● Москвадаги Третьяковлар саройида 10-31 май кунлари ҳиндистонлик Вишванатан Ананд ва исроиллик Борис Гельфанд ўртасида шахмат бўйича жаҳон чемпионлиги учун жанг бўлиб ўтади. Ушбу баҳсининг соврин жамғармаси 2 миллион 550 минг долларни ташкил этади. Учрашув голиби ушбу сумманинг 60 фоизига эга бўлади, қолгани мағлуб шахматчига насиб қилади.

● Нью-Йорк шаҳрида барпо этилаётган Бутунжаҳон савдо марказининг осмонўпар иморати энг баланд бинолар сафидан жой олади. Мазкур минора 2001 йилнинг сентябрь ойида мамлакатда содир этилган теракт оқибатида вайрон бўлган эгизак иморат ўрнига қурилмоқда.

ҚИСҚА САТРАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг 80 йиллиги муносабати билан ўтказилган танлов «Шифокор-ижодкор» деб номланди.

✓ **БУГУН** Учтепа туман ҳокимлигида шаҳар истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касба уюшмаси Кенгашининг маънавият тарғибот маркази томонидан уюштирилган тадбир Юртбошимиз-

нинг «Юксак маънавият — энгилмас куч» асарининг мазмун-моҳиятини ўрганишга бағишланди.

✓ **БУГУН** Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой жамияти ҳамкорлигида матбуот

анжумани ташкил этилди.

✓ **ЭРТАГА** пойтахтимизда «Камолот» ЁИХ томонидан қатор давлат идора ва ташкилотлари билан биргаликда «Менинг бизнес гоям» танловининг шаҳар босқичи бўлиб ўтади.

(Давоми. Боши 1-бетда)

«Осборн текстиль» корхонасида йирилган ип ишлаб чиқаришни кенгайтириш биринчи чоракда амалга оширилган йирик инвестиция лойиҳаларидан биридир. Қиймати етти миллион долларга тенг ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши йилига 2,1 минг тонна ип ишлаб чиқариш ва уч миллион долларлик маҳсулотни экспорт қилиш имконини беради.

Тошкент вилояти тоғ этагидаги хушманзара Искандар қишлоғида жойлашган «Осборн текстиль» янги ва жадал ривожланаётган корхонадир. 2008 йилда фойдаланишга топширилган ва дастлаб хом ип йириши цехидан иборат бўлган ушбу корхона якунланган ишлаб чиқариш циклига эга яхлит комплексга айланган.

Корхонанинг ишлаб чиқариш майдонларида жаҳондаги етакчи тўқимачилик машинасозлиги корхоналарида ишлаб чиқарилган янги, юқори технологик ускуналар ўрнатилган. Бу ерда пахта толаси қайта ишланиб, «Mirelle» савдо белгиси остида тайёр пахмоқ буюмлар тайёрланмоқда.

«Осборн текстиль» корхонасида ишлаб чиқариш жараёни пахта толасини қайта ишлайдиган йиригув фабрикасидан бошланади. Бу ерда карданли, тароқли ва ҳалқасимон йиригув тизими асосида хом ип ишлаб чиқарилмоқда. Ишлаб чиқариш ҳажми кунига 16 тонна ташкил этаётди. Махсус ускуналар пишиқ ип тайёрлаш имконини бермоқда. Корхона маҳсулотлари нафақат ички бозорларда, балки мамлакатимиз ташқарисида ҳам хариддордир.

«Осборн текстиль» корхонаси директори Равайн Норматовнинг айтишича, амалга оширилган инвестиция лойиҳаси туфайли карданли, тароқли ва ҳалқасимон йиригув тизими асосида, шунингдек, пахта ҳамда сунъий толадан олачипор ип ишлаб чиқарадиган иккинчи йиригув фабрикасини ҳам ишга туширишга эришилди.

Тайёр маҳсулотнинг ярим фабриката янги русумдаги дастгоҳлар билан жиҳозланган тўқувчилик фаб-

рикасида тайёрланади. Бу ерда бир ойда сидирғасига бўялган ва олачипор 96 тонна пахмоқ мато ишлаб чиқарилади.

Хом ип ва толаларни технологик бўяш жараёни бўяш фабрикасида амалга оширилади. Бунинг учун тайёр буюмлар кўп марта ювилганда ҳам улардан узоқ муддат фойдаланишни таъминлайдиган кучли бўёқлар қўлланилмоқда.

Бўяш фабрикасининг лабораторияси ҳар қандай мураккаб рангни ишлаб чиқиш, унинг таркибида кимёвий моддалар бор-йўқлигини таҳлил қилиш, керакли натижага эришиш учун рецептура танлаш ҳамда бўяшнинг барча жараёнларини белгилаб олиш имконини беради.

Матолар ва трикотаж полотноларни бўяш бўйича бўяш-пардозлаш фабрикаси «Осборн текстиль» корхонаси ишлаб чиқариш жараёнининг



Аскар Ёқубов (ЎЗА) олган суратлар

ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ ЮКСАЛМОҚДА

янги ташкил этилган бўғинларидан биридир. Бу ерда бир кунда етти минг тонна бўялган газлама ва полотно ишлаб чиқариш қувватига эга дастгоҳлар ўрнатилган. Пахмоқ матолар ва трикотаж полотноларга охириги пардоз бериш, юқори сифатли маҳсулот олиш мақсадида уларни буглаш, қуритиш ва дазмоллаш учун кўшимча технология ўрнатилган.

«Осборн текстиль» таркибида фаолият кўрсатаётган тикувчилик фабрикасида бўяш ва пардозлаш жараёнларидан кейинги ишлар бажарилиб, мантқий ниҳоясига етказилади. Фабрика йилига уч миллионга тайёр тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга. Бу ерда тайёрланаётган барча маҳсулотлар лаборатория шароитида сифат назоратидан ўтказилади, кўздан кечирилиб, сараланади ҳамда ўралади.

Шуниси эътиборлики, инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши

самарасида янги иш ўринлари ташкил этиш дастури ҳам муваффақиятли бажарилмоқда. Масалан, йиригув ишлаб чиқаришнинг кенгайтириш кўшимча равишда 160 киши, асосан касб-хунар коллежлари биттирувчиларини ишга жойлаштириш имконини берди. Ҳозирги кунда 700 нафар мутахассисдан иборат аҳил жамоа ҳар кун юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш билан машғул.

Бу ерда асосан Бўстонлик ва яқин атрофдаги ҳудудлар аҳолиси меҳнат қилади, — дейди Шаҳноза Юнусова. — Ўзим Искандар қишлоғида яшайман ва яқинда Чирчиқ санот-иқтисодиёт касб-хунар коллежини «Автоматлаштирилган тизимларга хизмат кўрсатиш ва созлаш» йўналиши бўйича битирдим. Корхонада мутахассислигим бўйича ишляпман. Ҳамкасбарим орасида кўшилларим, курсдошларим ва яқин дўгоналарим борлиги қувончлидир. Корхонада иш кунини қулай ва дўсто-

на вазиятда ўтгани учун сменаимиз тугаганини ҳам кўпинча сезмай қоламиз.

Шуни айтиш керакки, корхонада вақт йўқотилиши ва ускуналарнинг тўхтаб туриш ҳолатларини камайтириш мақсадида ишлаб чиқариш жараёни кечаяқ кундуз узлуксиз давом этади. Шу сабабли бу ерда иш уч сменада ташкил этилган. Ходимлар учун барча зарур маиший шароитлар яратилган, ошхона, ювиниш ва кийим алмаштириш хоналари мавжуд. Иш кунини ниҳоясига етгач, ишчилар уйларига махсус транспортда етказиб қўйилади. Бу иш берувчиларнинг корхона ишчилари билан ҳамкорлиги узоқ муддатли истикболга мўлжалланганидан далолатдир.

Ўзбекистон енгил саноатининг салоҳияти тобора юксалмоқда. Мамлакатимизда энг замонавий ускуналар билан жиҳозланган ва самарали бошқариладиган «Осборн текстиль» мажмуи каби замонавий корхоналарнинг мавжудлиги тўқимачилик саноатида узоқ йиллар давомида меҳнат самарадорлигини ва ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш имконини беради.

Меҳрибон МАМЕТОВА,
ЎЗА мухбири

«СИЗ ЎЗБЕКИСТОННИ БИЛАСИЗМИ?»

(Давоми. Боши 1-бетда)

Қолаверса, муаллиф Ўзбекистон заминидagi табиий бойликлар ва мамлакатимиз энергетика соҳасининг тараққиёти ҳақида қизиқарли маълумотларни келтиради. Эътиборлиси, китобда сув муаммолари ва мамлакатни гидроресурслар билан таъминлаш масалаларига алоҳида бўлар ажратилган.

«Сиз Ўзбекистонни биласизми?» асаридан инсон омилидан фойдаланиш соҳаси ҳам назардан четда қолмаган. «Меҳнат бозори» номи бобда фуқароларни ижтимоий муҳофаза қилишнинг Ўзбекистонда амалда бўлган тизими — кексалик нафақаси тўлашиши белгиланган ижтимоий суғурта ва тиббиёт хизматларининг тақдим этилиши тўғрисида атрофлича мулоҳаза юритилади. Муаллиф мазкур бобни юртимиздаги ишлаб чиқариш муносабатларини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларидан келиб чиққан ҳолда ёзгани диққатга молиқдир.

Ўзбек халқининг тарихи, урф-одатлари, анъана ва маънавий қадриятлари тўғрисидаги маълумотлар китобнинг алоҳида бобидан жой олган. Чон Дэ Ван халқимизнинг самимиети ва меҳмондўстлиги, кўп миллатли жамиятимизда ҳукм сураётган тинчлик, тотувлик ва бағрикенглик ҳақида ўзининг илиқ фикрларини китобхонлар эътиборига ҳавола қилган.

Китоб саҳифаларидан жой олган мамлакатимиз ўтмишига муҳтасар саёҳат эса ўқувчиларни икки давлат халқлари ўртасидаги яқин алоқаларнинг кўп асрлик тарихи билан таништиради. Ҳозирги вақтда «Афросиёб» музейида жойлашган қадимий деворий сурат халқларимиз ўртасидаги муносабатлар узоқ даврлардан буён давом этиб келаётганининг ёрқин мисолидир. Зеро, унда акс этган инсонларнинг кийимларини ўрганиш орқали олимлар ушбу суратда шох Афросиёбнинг ҳузурига Корея яриморлидан ташриф буюрган икки элчи тасвирланганини аниқлашган.

Мазкур асарда юртимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча соҳаларида фаол иштирок этаётган корейс диаспорасининг Ўзбекистондаги ҳаёти ва мамлакатимизда миллий-маънавий ва маданий ўзига хосликни сақлаб қолиш, этник корейслар ҳамда Ўзбекистонда яшаётган бошқа миллат ва элатларнинг турмуш фаровонлигини янада яхшилаш учун барча шарт-шароит яратилгани ёрқин бўёқларда баён этилган.

Яқинда дунё юзини кўрган ушбу янги тўпلام Жанубий корейликларнинг замонавий Ўзбекистон билан янада яқинроқ танишишларига қўмаклашиши, шубҳасиз.

«Жаҳон» АА

ҒОЛИБ АНИҚЛАНДИ

**Мамлакатимизда пластик
карточкалар орқали савдо ва
хизмат кўрсатиш тизими
тобора такомиллашаётгани
аҳоли учун кенг қулайликлар
яратмоқда.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 17 августда қабул қилинган пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирларига оид қарори бу борада муҳим дастуруламал бўлаётди.

Ушбу қарор ижросини таъминлаш ҳамда нақд пулсиз тўловларни рағбатлантириш мақсадида «Ўзсаноатқурилишбанк» томонидан изчил ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, промакциялар ташкил этилиб, пластик карточка эгаларига Франция пойтахти — Париж шаҳрига ва Жанубий Африка Республикасида бўлиб ўтган футбол бўйича Жаҳон чемпионатида йўлланмалар ҳада этилди.

Банк томонидан VISA International Service Association компанияси билан ҳамкорликда эълон қилинган навбатдаги шундай акция «VISA карточкасидан фойдаланиш ва 2012 йилги Олимпиада ўйинларига чиптани ютиб олинг» деб номланди. Пойтахтимизда ушбу промакция голиблари аниқланди.

Шу йил 1 мартдан 30 апрелгача мамлакатимиз бўйича ўтказилган мазкур промакцияда 31 мингдан ортиқ карточка эгаси иштирок этди. Уларнинг ҳар бири 500 минг сўмдан кам бўлмаган миқдорда 10 транзакцияни амалга оширди.

Танлов натижаларига кўра, «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Мирзо Улуғбек филиали мижози Дилором Юсупова Лондон Олимпиадасига икки кишилик чиптани қўлга киритди.

(ЎЗА)

Анжуманлар

ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИ МУҲОФАЗАДА

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг мажлислар залида бўлиб ўтган давра суҳбати «Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: «Соғлом она — соғлом бола» халқаро симпозиумининг тавсиялари ҳамда «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг моҳияти» мавзусига бағишланди.

Тошкент шаҳар ҳоқими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Фариди Абдурахимова тадбирни кириш сўзи билан очар экан, «Соғлом она — соғлом бола» бағишланган Халқаро симпозиум ўтган қисқа вақт ичида мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизими, республикамизнинг профессионал тиббий ҳамжамияти учун она ва бола саломатлигининг кенг қўламли аҳамиятини янада тўлароқ баҳолаш ва теранроқ англаш имконини берганини таъкидлаб ўтди.

Шунингдек, давра суҳбатида Халқаро симпозиумнинг республикамизда ва шаҳар соғлиқни сақлаш тизимининг истиқболдаги ривожидан туган ўрни, жаҳон ҳамжамияти учун муҳим жиҳатлари, «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурининг узвийлиги она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом ва мустаҳкам оилани шакллантиришда давлат тузилмалари, нодавлат но-тижорат ва бошқа жамоат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликнинг аҳамияти мавзуларида қизғин чиқишлар бўлди.

— Халқаро симпозиумни ўтказишдан мақсад, хорижлик мутахассисларни мустақиллик йилларида аҳоли саломатлигини сақлаш соҳасида мамлакатимизда эришилаётган ютуқлар билан таништириш ва соғлиқни сақлаш тизимининг келгуси ривожини истиқболларини белгилаб олишдан иборат эди, — дейди Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари Абдулла Ибатов. — Симпозиумнинг яна бир муҳим аҳамияти — унда Президентимиз Ислам Каримов ҳамда, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилати бош директори Маргарет Ченнинг иштирок этиши билан белгиланди. Маргарет Чен юртимизда

амалга оширилаётган ислохотларга юксак баҳо берар экан, асосий ютуқ — бу мамлакат соғлиқни сақлаш соҳасида 4 та тамойилга, яъни: давлат сиёсати, инвестицияларни кенг миқёсда жалб қилиш, кадрлар салоҳиятини ошириш ва Минг йиллик ривожланиш мақсадларига эришишга риоя этаётганини билан боғлиқлигини алоҳида таъкидлади. Миллий моделнинг асосий ютуқларидан бири, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналиши бўлиб ҳисобланиши, она ва бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида халқаро мажбуриятларнинг бажарилиши ва узоқ муддатли самарали мақсадга, яъни миллат генфондини сақлаш ва яхшилашга қаратилганидир. Миллий моделнинг самарадорлиги нафақат она ва бола саломатлигини, балки бутун соғлиқни сақлаш тизимининг барча омилларини қамраб олганлиги билан эътиборлидир. Зеро, жамиятимизда оналар ва болалар саломатлигини муҳофазалаш, яхшилаш ва мустаҳкамлашдан муҳим ва долзарб вазифанинг ўзи йўқ.

Шунингдек, анжуманда оналар ва болаларга шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш, амбулатор-поликлиника кўмагини ташкил қилиш, туғма ва ирсий касалликларнинг олдини олиш, аҳоли репродуктив саломатлигини таъминлаш, оилада тиббий маданиятни шакллантириш, юқори тиббий технологияларни жорий этган ҳолда болаларга ихтисослаштирилган ёрдам кўрсатиш таъминлаш, жисмоний ва баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш зарурлиги ҳам айтиб ўтилди.

Гулчехра ДҮРДИЕВА



Бугунги кунда автотранспорт хизмати иқтисодиётимизнинг асосий тармоқларидан бирига айланиб бораётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Айниқса, ҳукуратимиз томонидан мазкур соҳага катта эътибор қаратилаётганлиги боис ушбу хизмат кўрсатиш тизими тез ривожланмоқда.

Транспорт

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ МАДАНИЯТИ ОШМОҚДА

Кейинги пайтларда бу жараён айниқса, йўловчи транспорт хизмати кўрсатиш тизимида яққол кўзга ташлана бошлади. Бунинг учун ҳис этган «12-автобус саройи» ОАЖ жамоаси биринчи навбатда мавжуд транспорт воситаларини замонавийлаштиришга асосий эътиборини қаратди. Натижада бугунги кунга келиб, йўловчиларга хизмат кўрсатаётган транспортларнинг деярли юз фоизи «Исузу» ва «Мерседес бенц» автобуслари билан янгиланди. Бу эса, ўз навбатида хусусий сектор билан эмин-эркин равишда рақобат муҳитининг юзга келиб, йўловчиларга сифатли хизмат кўрсатишга пухта замин яратди.

— Мана шу ишларнинг самараси ўлароқ жорий йилнинг дастлабки чораги давомида белгиланган режага кўра, 13997 ўрнига

14323 нафар йўловчиларни керакли манзилларига ўз вақтида етказишга муваффақ бўлдик, — дейди «12-автобус саройи» ОАЖ бошқаруви раиси Қудратилла Зикиров. — Бинобарин, ўтган чоракда биргина йўловчи ташкил хизматида олади-ган даромад 102,2 фоизни ташкил этди. Бундан кейин ҳам ишларимизни янада жонлантириш мақсадида йўналишга қўйилган транспортларнинг белгиланган жадвал асосида ҳаракатланиши ва йўловчиларга сифатли хизмат кўрсатиш маданиятини оширишга алоҳида эътибор қаратаве-

рамиз. Бу борада ҳар ҳафтада йўловчиларнинг фикр-мулоҳазаларини эътиборга олган ҳолда йўналиш бўйича қатновчи транспортларнинг таҳлили олиб борилмоқда.

Мавжуд муаммо ва камчиликлар шу жойнинг ўзида муҳокама этилиб, уларни бартараф этишга ҳаракат қилинмоқда. Албатта, буларнинг барчаси хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш, транспортлар қатновини янада яхши йўлга қўйиш имкониятини беради.

Дилмурод ИСМОИЛОВ
СУРАТДА: корхона
фаолиятдан лавҳа

ХАФТИЛИК ПЕЙШАНА

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Олам ва одам» дастури: «Табият мўъжизалари».
7.15 «Икким».
7.20 «Кўнгил қўшиқ истаиди».
7.30 «Йўл юмушлари» /Т.с.
8.00 «Ахборот».
8.40 - 9.45 «Маънавият» дастури.
9.45 «Моҳир кўлаар».
10.00 «Минг бир ривоят».
10.05 «Эйб» дастури: «Эътиқод мустақамлиги йўлида».
10.25 «Саломатлик сирлари».
10.40 «Рашид дунё».
10.40 «Ахборот».
11.10 «Шаҳар четдаги шифохона» /Т.с.
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
12.50 «Кўнгил қўшиқ истаиди».
13.00 «Ватанпарвар».
13.45 «Юрган - дарё».
14.00 «Ахборот».
14.00 «Нингиз».
14.45 «Одил суд».
15.25 Жаҳон мусикаси хазинаси.
В. Моцарт. «Дон Жуан». 1-қисм.
19.00 «Эрталаб - яхшиликка етаклар».
16.40 «Ўзбекистон табияти».
17.00 «Ахборот».
17.45 «Урм заволлар» /Т.с.
18.00 «Кўнгил қўшиқ истаиди».
18.10 «Хайт тилими».
18.25 «Икким».
18.30 «Икки дугона» /Т.с.
19.20 «ТВ - шифокор».
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» /рус/.
20.05 «Олтин мерос».
20.15 Миллий сериал: «Туташ тақдирлар».
21.00 «Ахборот».
21.40 «Оғурушнинг сўнги манзили».
22.05 «Маликанинг махбуби» /Т.с.
22.45 «Икким».
22.50 «Шаҳар четдаги шифохона» /Т.с.
23.40 «Олам ва одам» дастури: «Табият мўъжизалари».
23.55 - 00.00 «Ўзбекистон»
00.00 Кўрсатувлар дастури.
00.05 «Хайт тилими».
00.20 «Ватан манзиллари».
00.35 «Кўнгил қўшиқ истаиди» дастури: «Қасам дара».
00.50 «Кўнгил қўшиқ истаиди».
1.00 «Ахборот» /рус/.
1.30 - 2.35 «Маънавият» дастури.
2.35 «Икким».
2.40 «Мен ёшлукман».
2.55 «Олтин мерос».
3.10 «Ассалом, Ўзбекистон!»
4.00 «Ахборот» /рус/.
4.40 Миллий сериал: «Туташ тақдирлар».
5.15 «Рашид дунё».
5.45 «Ўзбекистон табияти».
5.50 - 5.55 «Очун».

19.30 «Кетма!» /Т.с.
19.30 «Нўстай назар».
19.40 «Улғу неъмат».
20.50 «Нозик лаҳзалар» /Т.с.
21.40 «Ёшлик наволари».
22.00 «Давр».
22.30 «Кўмондон» /Т.с.
23.30 «13-студия».
00.00 «Ватан меҳри».
00.10 «Ёшлик наволари».
00.30 «Эрталаб рейс» /Б.ф.
2.00 «Давр».
2.30 Миллий сериал: «Хайт сабоқлар».
3.10 «Жаҳон мусикаси».
4.00 «Колдузи осмон».
5.00 «Ижод мактаби».
5.50-6.00 «О, спорт!»

Тошкент
6.00 Кўрсатувлар тартиби.
6.05 «Таржима машаққати» /Б.ф.
7.30 «Салом, Тошкент!»
8.30 Тошкент тароналари.
8.45 «Уларим».
9.00 «Уларим».
9.10 «Интервью».
9.20 «Интеллектуал аукцион».
9.30 «Пойтахт».
9.40 «Бизнес-пойтахт».
9.45 «Ибрат».
10.15 «Камор оркестрининг концерти».
10.30 «Кирол Сексон» /рус/.
10.40 «Ҳазан биланлар».
10.45 «Бунгизлар орасида» /Б.ф.
11.20 «Тенгдошлар».
13.00 «Салом, Тошкент!»

04.00 Телеканал «Добро утро»
08.00, 11.00, 14.00, 02.00 Новости
08.05 Контрольная закупка
08.30 «Жить здорово!»
09.30 Модный приговор
10.20 «Хочу знать»
11.15 Сериал «Женский доктор»
12.05 Сериал «Обручальное кольцо»
13.00 «Другие новости»
13.20 Понять. Простить
14.20 Сериал «Казарова»
15.20 «Между нами, девочками»
16.00 «Жди меня»
17.00 Вечерние новости
17.50 «Давая поженимся!»
18.00 «Путь гонимых»
20.00 «Время»
20.30, 02.55 Сериал «Побег-2»
21.30 «Первый класс» с Иваном Охлобыстиным
22.20 «Вечерний Ургант»
22.50 «Познер»
23.50 Ночные новости
01.00, 02.05 Худ. фильм «Вердикт»
02.00 «Нингиз хайри бўлсин!»

Первый канал
04.00 Телеканал «Добро утро»
08.00, 11.00, 14.00, 02.00 Новости
08.05 Контрольная закупка
08.30 «Жить здорово!»
09.30 Модный приговор
10.20 «Хочу знать»
11.15 Сериал «Женский доктор»
12.05 Сериал «Обручальное кольцо»
13.00 «Другие новости»
13.20 Понять. Простить
14.20 Сериал «Казарова»
15.20 «Между нами, девочками»
16.00 «Жди меня»
17.00 Вечерние новости
17.50 «Давая поженимся!»
18.00 «Путь гонимых»
20.00 «Время»
20.30, 02.55 Сериал «Побег-2»
21.30 «Первый класс» с Иваном Охлобыстиным
22.20 «Вечерний Ургант»
22.50 «Познер»
23.50 Ночные новости
01.00, 02.05 Худ. фильм «Вердикт»
02.00 «Нингиз хайри бўлсин!»

НТВ
06.00 Утро России
08.00 «С новым домом!» Ток-шоу
08.45 «О самом главном». Ток-шоу
10.00, 13.00, 16.00, 19.00 Вести
10.50, 15.45 Вести. Дежурная часть
11.00 Сериал «Кулагин и партнёры»
12.00 Сериал «Тайны следствия»
13.50 Сериал «Ефросинья. Табачная любовь»
14.45 Сериал «Кровинюшка»
16.50 Сериал «Сваты»
17.55 «Прямой эфир»
19.50 Спокойной ночи, малыши!
20.00 Сериал «Самара»
22.45 «Дежурный по стране». Михаил Жванецкий
23.50 Вести
01.00 Профилактика. Ночное шоу
01.20 Худ. фильм «Сотня воров»
03.05 Сериал «Закон и порядок»

НТВ
04.55 Информационный канал «НТВ утро»
07.55 Сериал «Литовой»
08.30 Обзор. Чрезвычайное происшествие.
11.40 «Говорим и показываем». Ток-шоу с Леонидом Завоскинским.
17.30 Обзор. Чрезвычайное происшествие.
18.00 Сегодня.
18.30 Премьера. Сериал «Возвращение Мухомора».
19.20 «Точка зрения» крестатуви
19.30 «Жаҳон НТН нигоҳида» информацион блок
19.40 «Фантом» /Б.ф.
19.50 «Жаҳон НТН нигоҳида» информацион блок
19.55 «Ушар студияси: «Келажак билан юзма-юз» крестатуви
20.00 «Хужжатли фильм»
20.15 «Музыка вақти» дастури
16.00 «24: Ўзбекистон» ахборот бломи
16.10 «Клон» /Т.с. (29-қисм)
16.50 «Бизнес-промо»
17.00 «Формула» дастури
17.15 «Золотой фонд узбекской живописи»
17.30 Форум вақти
18.00 «Янги авлод» студияси намойиш этакди
18.10 «Мадагаскарлик пингвинлар» м/ф.
18.30 «Мангу свегги» /Т.с. (30-қисм)
19.00 «Музыка вақти» дастури
19.20 «Бизнес промо»

НТВ
06.00 «Хайри тонг!»
6.05 АНОНС.
6.10 «Саломат бўлинг!»
6.10 «Саломат бўлинг!»
6.15 «Саломат бўлинг!»
6.55 АНОНС.
7.00 «Футбол тарихи»
7.25 Боллар майдончаси:
12.50 «Кирол Сексон» /рус/.
13.00 «Сирли ўрмонча»
14.00 «Мультианорама»
15.30 «Табиятти бир назар».
16.00 «Давр»
16.10 Миллий сериал: «Орзулар фасли».
16.50 «Жива музейлари».
17.00 «Бадий фильм».
18.50 «ЎЗЕХ»
19.00 «Давр»

НТВ
04.55 Информационный канал «НТВ утро»
07.55 Сериал «Литовой»
08.30 Обзор. Чрезвычайное происшествие.
11.40 «Говорим и показываем». Ток-шоу с Леонидом Завоскинским.
17.30 Обзор. Чрезвычайное происшествие.
18.00 Сегодня.
18.30 Премьера. Сериал «Возвращение Мухомора».
19.20 «Точка зрения» крестатуви
19.30 «Жаҳон НТН нигоҳида» информацион блок
19.40 «Фантом» /Б.ф.
19.50 «Жаҳон НТН нигоҳида» информацион блок
19.55 «Ушар студияси: «Келажак билан юзма-юз» крестатуви
20.00 «Хужжатли фильм»
20.15 «Музыка вақти» дастури
16.00 «24: Ўзбекистон» ахборот бломи
16.10 «Клон» /Т.с. (29-қисм)
16.50 «Бизнес-промо»
17.00 «Формула» дастури
17.15 «Золотой фонд узбекской живописи»
17.30 Форум вақти
18.00 «Янги авлод» студияси намойиш этакди
18.10 «Мадагаскарлик пингвинлар» м/ф.
18.30 «Мангу свегги» /Т.с. (30-қисм)
19.00 «Музыка вақти» дастури
19.20 «Бизнес промо»

НТВ
06.00 «Хайри тонг!»
6.05 АНОНС.
6.10 «Саломат бўлинг!»
6.10 «Саломат бўлинг!»
6.15 «Саломат бўлинг!»
6.55 АНОНС.
7.00 «Футбол тарихи»
7.25 Боллар майдончаси:
12.50 «Кирол Сексон» /рус/.
13.00 «Сирли ўрмонча»
14.00 «Мультианорама»
15.30 «Табиятти бир назар».
16.00 «Давр»
16.10 Миллий сериал: «Орзулар фасли».
16.50 «Жива музейлари».
17.00 «Бадий фильм».
18.50 «ЎЗЕХ»
19.00 «Давр»

НТВ
